

АРОН ШАЛАМАЕВ
(ФИДОЙИ)

4

3 китобдан
4 қисмдан
23/1-81

И Б В - С И Н О

9 пардали 8 кўринишли
драма

Литсвана за № 18 Р-09127 от 30 августа 1979 г.

Биринчи бор Хоразм область Огаҳий номидаги

театрда қўйилишига тарафдорман - АВТОР

А. Шаламаев

Тошкент - 1979 йил

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

1. Хусайн, Ибн-Сино - асар бошланишида 22 ёшда
2. Махмуд - Хусайннинг укаси - 20 ёшда
3. Зухранисс - Хусайннинг севгилиси - 18 ёшда
4. Абу - Убайдулло Абдувоҳид ал Жузжоний - Хусайннинг дўсти ва шогирди (бошланишида) 25 ёшда
5. Зийраки - Тоҳ-ул-мулк хияни Ибн-Сино шогирди - 30 ёшларда
6. Шамс - уд-Довла - Ҳамадон Амири
7. Тоҳ-ул-Мулк - Ҳамадон амирининг вазири
8. Соҳибн - Ҳамадон амирининг ҳакими
9. Ала-уд-Довла - Исфаҳон амири
10. Аҳмад - Ибн-Ҳасан Майманди - Султон Махмуд Газнавийнинг навқари, сўнг вазири

II. Сайидабегим - Рей шаҳрининг مالikasи

12. *Абу Райҳон Беруний — 35 ёшда*

ЭПИЗОДЛАРДА:

- Ситора - Хусайннинг онаси - 40 ёшларда
- Ҳасан али - Зухраниссонинг отаси - 45 ёшларда
- Ал-Бузургий - Ала-уд-Довланиннг ҳакими
- Ҳай-Ибн-Яқзон - Ҳамадон қалъаси қоровулларининг бошлиғи
- Мунтасир - Исмоил ибн Нўх ибн Мансур
- Мансур ибн Нўх - Бухоронинг собиқ амири
- Самоуддсвла - Шамс уд-Довланиннг валиаҳад ўғли
- Асрорий - Сайидабегим вазири
- Мажид - Сайидабегим ўғли - 13 ёшларда
- Кичик табиб - Шамс уд-Довланиннг табиби
- Сарбозлар, лашкарбошилар, шайхулислом, хотиблар, беморлар, қозикалон ва бонқалар.

Қабристон. Узоқлардан Исмоил Сомоний мақбараси кўринади. Унинг атрофларида уй жойлар, ёниб вайронага айланган бинолар, жумладан сарой кутубхонасининг манзараси. Қабристонда қабрлар атрофларида турлича ўсимликлар, Қўлида бир даста турли туман ўсимликлар билан Хусайн киради.

ХУСАЙН - Зўхранисо?!... Ҳой Зўхранисойи замин... қайда қолди экан?... Шу бузрукворим қабри учрашгоҳимиз эди-ку! (ахтаради). Жоним?! (Қўлида бир даста ўсимлик билан Зўхранисо киради) Балли, балли, офарин, азизим... баракалло!...

ЗУХРАНИСО - Устоз, марҳамат, бу ўтларни... гул билгайсиз... (ўсимликларни Хусайнга узатади).

ХУСАЙН - Жонгинам, терганинг ўт эмас, ҳар бири гиёҳдир, бемор учун даводир... Мана бу (бир ўсимликка ишора қилиб) "Чаён ўт" ёки "анжура". Шишларга, жумладан Саратон касалига ишлатилса фойда қилади... буниси - Азариюн ёки тирноқгул, заҳарли жониворлар чақишидан заҳарланганга даво.

ЗУХРАНИСО - (мозордан бир ўтни юлиб) Мана бу ўт - иссириғ - тумовга даво.

ХУСАЙН - Балли, бўлгуси шифкор.. Зехнинг завол кўрмасин... Иссириғ биргина тумовга даво эмас... у кўпгина бошқа дардларга ҳам даводир. У қонни тўхтатади ҳам... умуман ҳар бир ўсимлик, ҳар бир дарахт пўстлоғи, ҳар бир илдиз, одамзотга фойдалидир-у... аммо минг афсус, инсоният ҳануз мавжудодлар барчасининг ҳосиятларидан воқиф эмасдир... Қизиқ, жонгинам, қизиқ, баъзан ҳозиргача маълум бўлган сирларни сенга айтсам ҳайратда қолурсен...

ЗУХРАНИСО - Қандай сир экан у?...

ХУСАЙН - (бир очигроқ гўрдан битта суютни олади)... Мана, бу суюкка қара-чи?...

ЗУХРАНИСО - Вой, ўлай... бу даҳшат-ку!...

ХУСАЙН - Дарҳақиқат, бу суяк даҳшатлидир... аммо...

ЗУХРАНИСО - Аммоси нима?!...

ХУСАЙН - Аммоси шуки... Ушбу суякни талқон қилиб бўғинлар оғриғи ёки тутқалоқга мубтало бўлган бемор ичса, шифо топади.

ЗУХРАНИСО - Наҳотки?!...

ХУСАЙН - Бу тажрибани юнонли олим Жолинус 800 йил муқаддам ўтказган ва бундан шифо топган беморни у ўз кўзи билан кўрган эмиш.

ЗУХРАНИСО - Вожабс?! (пауза) Устоз, бу гал менга тўтиё, сурма ва мўмиё хосиятлари ҳақида сўзламоқ ниятингиз эди...

ХУСАЙН - Ҳа, дарвоқе, Сурма ёки Исмид - ўлдирилган қўрғошин моддасидир. Мия пардасидан чиқиб келган бурун қонашини тўхтатади. Кўзнинг соғлиғини сақлайди. Кўз яраларидаги чирикни йўқотарди... Энди мўмиё ҳақида... мўмиё тоғ мўмидир. Чиққан, синган, йиқилган ва урилгандаги оғриқларга, палажга ва юз палажигга қарши ичирилса ва суртилса фойдалидир...

ЗУХРАНИСО - Раҳмат... Тўтиё-чи?...

ХУСАЙН - Тўтиё - Мисни унга аралашган тошлардан ва қўрғошиндан тозалаб олинаётган вақтда кўтариладиган дуддир. Олимларнинг айтишларича денгизда думалоқ шакли ва қаттиқ қобиқли бир ҳайвон яшар экан. У ўлгач, тўлқинлар уни отиб қирғоққа чиқарганда, ундан тўтиё тайёрланади. У жуда ҳам латиф бўлади.

ЗУХРАНИСО - Унинг нимага фойдаси бор экан?

ХУСАЙН - У қўлтиқ бадбўйлигига фойдалидир. Унинг ювилгани яраларга, ҳаттоки саратон яраларига фойдалидир...

ЗУХРАНИСО - Азиз, устоз! Худойим сизга узоқ умр ато этсин!... Агар сир бўлмаса... Шунча билимларни ўзлаштирасанган бу заковатингиз энди қайси муаммони ҳал қилмоқни мақсад айлаган?!

ХУСАЙН - Азизим, нуридийдам, меҳрибон бузрукворимдан табиат мени бевақт айритди. (кўз ёши қилади).

ЗУХРАНИСО - Қай дардга гирифтор боис?

- ХУСАЙН - Саратон исмли шиш олиб кетди...
- ЗУХРАНИСО - (Маъюсланиб) Худо раҳмат қилгай...
- ХУСАЙН - Шу боис мен кўпгина дардларга шифо топиш қатори Саратонга ҳам қарши қилич яланғоч этдим. Умрим охиригача шу дардга ҳам қарши даво топиш, шу борада ҳар бир ўту, илдиз сирин очишни олий мақсад қилурдирмен.
- ЗУХРАНИСО - Устоз, нега энди бу шишнинг номи Саратон экан?...
- ХУСАЙН - Ҳар нарсани таг-томири билан билувчанлик феълингга асир бўлганим боис... эшит, азизим...
- ЗУХРАНИСО - Зеҳним сизда, аллома устоз.
- ХУСАЙН - Бу ^{ши}йишнинг саратон, ёки қисқичбақа деб аталиши икки вадандир. Ё қисқичбақа ўз овига ёпишгани каби бу шиш ҳам баданга худди шундай ёпишганлигидандир, ёки кўпинча, кўри-ниши юмалоқлиги, ранги, ҳаттоки томирчаларининг чиқиб туриши қисқичбақаникига ўхшашлигидандир...
- ЗУХРАНИСО - Устоз, англадим, миннатдорман. (кўйлаги остидан бир қўл-ёзмани олиб узатади). Мана, ўқишга берган китобингиз.
- ХУСАЙН - Жонгинам, бу "Зафарномани" паҳлавий тилдан таржима қилдим. Бу асарни бундан қарийб 500 йил муқаддам Эрон шоҳи Ануширвоннинг топшириғига бинсан унинг вазири Бузургмеҳр ёзган, ажойиб асар... Сенга ёқдими?!
- ЗУХРАНИСО - Унинг парчалари ёқганлигидан менга ёд бўлгандир.
- ХУСАЙН - (қўл-ёзмадан ўқийди) - Хўш, ёшларга нима яхши-ю, қариларга нима лойиқ экан?
- ЗУХРАНИСО - Ёшларга ҳаё ва ботирлик, қариларга эса, билим ва эҳтиёжлик.
- ХУСАЙН - Энг саҳий киши ким экан?
- ЗУХРАНИСО - Бировга нарса берганидан шод бўлган киши.
- ХУСАЙН - Қандай яхши иш охирида айбга айланаркан?
- ЗУХРАНИСО - Миннат билан қилинган саҳоват.
- ХУСАЙН - Қандай нарса илмни безайди?
- ЗУХРАНИСО - Тўғрилиқ.

- ХУСАЙН - Мардликнинг нишонаси нима экан?
- ЗУХРАНИСО - Кечириш...
- ХУСАЙН - Одамларнинг қайси хили ақллироқ бўлар экан?
- ЗУХРАНИСО - Кўп билиб, кам гапиргони...
- ХУСАЙН - Офарин, сенга, азизим, офарин!...
- ЗУХРАНИСО - Сўраганларингиз асардан гарчи парчадир, ажойиб ҳислатлар бағишловчи маҳзандир...
- ХУСАЙН - Илм маҳзанларин билмоқ боис кўпинча оқшомдан субҳгача бедормен, азизим...
- ЗУХРАНИСО - Бу боис то абад кўмакдош бўлсам сизга шудир орзуйим...
- ХУСАЙН - Азизим, сен билан то абад бирга бўлмоқдир асл ниятим. Мен ҳақимга, сен ҳақима бўлгусидурсен! Унда иккаламиз кўп ўту-илдиз ою-юлдуз сирин ошкор қилгусидирбиз...
- ЗУХРАНИСО - Унгача, ўз сирларингиз ошкор бўлмаса деб қўрқувдамен!
- ХУСАЙН - Қандай сенга ноаён сирларим бор экан?
- ЗУХРАНИСО - Уйимизга Шайхулислом ва бир неча жотиблар келишди... Улар суҳбатига хўш солсам, - Сиз ^{хуш}нехудо экансиз, мурдаларни қабридан чиқариб чок-чок қилармишсиз, китобингизда каломуло асосларига шубҳа солармишсиз, шогирдларингизга ҳам инчунин сабоқ берармишсиз... амир Нўх-ибн-Мансурни даволаганингиз боис тириклигида у сизнинг бошпанайингиз экан. Энди улар сизни янги амир Насрга бориб чақмоқчи, ва сизни зиндонга ташлаттирмоқчи... Сиз булар дастидан тезроқ қочмасангиз... қўрқаманки...
- ХУСАЙН - Ваҳима касалига мубтало бўлмадинг-ми, мабодо, менинг ҳеч қандай жиноятим йўқ... нега зиндонга тушар эканман? Нуридийдам!..
- ЗУХРАНИСО - Йўқ, йўқ,.. устоз, гапимни ҳазил билманг...
- ХУСАЙН - Ундан кўра (унга яқинроқ келиб, эркалатади) Рудакий шеъриятдан бўлсин мушоирамиз, қочар сендан қўрқув, ваҳима...

ЗУХРАНИСО - Сўнсин қуёш, гар юзингни кўрмасам,
Ўчсин юлдуз, гар кўзингни кўрмасам.
Висолингга мендек ташна бормикан,
Тундир у кун, гар ўзингни кўрмасам.

ХУСАЙН

Келди у. Ким? Ёр. Қай маҳал? Саҳар,
Кимдан қўрқиб? Ёвдан. Ёви ким? Падар.
Ўпдим қайта-қайта. Қаеридан? Лабидан,
Лаб эрди? Йўқ! Не эрди? Аққ! Лаззат? Шакар!

ЗУХРАНИСО

Ишқингда қолмади на қалб, на бардош,
Юзингни кўрмасам, ақлдан йироқ бош!

(Орқадан бирданига Ҳасан-али пайдо бўлади ва қизини

Хусайн бағридан тортади).

ҲАСАН АЛИ - (қизига) Ҳа, оқ падар бўлмай гўрга кириб кетгур, гапни қабул қилмаган қулқларинг кесилгур... Бу нохудодан қоч, бунинг этагига этаги текканнинг жойи жаҳаннамда деб айтувдим-ку, (Хусайнга) Ҳэй, нокасу-нохудо, қай журъат ила, яна бу қабристонда бокира қизимни бағрингга олибсан... Ёки...

ЗУХРАНИСО - Қиблагохим! Мени Хусайнжондан жудо қилгандан кўра жонимдан жудо қилинг, розиман.

ҲАСАН АЛИ - Нима, нима!.. Бу жодугар Ибн-Синс бошингни айлантириб, сеҳрлаб қўйганидан, сен муштипар қизимни ўзига ипсиз боғлаганлигидан беҳабар эканман? Э, худо! Мени нохудодан қутқар!

ХУСАЙН - Мулло Ҳасан-али-хон! Қизингиз Зухранисо кўнгли билан кўнглим пайванд! Сиз айирмоқчисиз... Икки пайванд дилни жудо қилиш нохудоликнинг иши эмас-ми?...

ҲАСАН АЛИ - (қизини қўлидан тортиб шудрайди) Юр, тезроқ, бу гуноҳкор осидан қочайлик... бунинг гуноҳларига ботмайлик, жаҳаннам дарвозалари бизларга очилмасин боз...

ЗУҲРАНИСО - (Ибн-Синога) Танимда жоним борича умидворингизман...

ҲАСАН АЛИ - Нима? Нима? Ҳой, Ибн-Сино, ўз қулоқларингни кўролмагандек қизимни бошқа кўролмайсан... Умидингни уз, бундан. (қизини қўлидан тортганича чиқиб кетади).

ҲУСАЙН - (Шеър ўқийди); Кўрларгаки, нури офтоб нсаёндин

Жоҳиллар учун дуруст йўл пинҳондир

(Пауза) Во дарег?!... (Дарвешларча кийинган Мейманди киради)

МЕЙМАНДИ - Худога шукур , ўзингизни кўрдим...

ҲУСАЙН - Дарвеш?!...

МЕЙМАНДИ - Одамларнинг Ибн-Сино даргоҳи - мазордир деганларича бор экансан...

ҲУСАЙН - Мендан нима истайсан, дарвеш?!...

МЕЙМАНДИ - Розилигинг...

ҲУСАЙН - Кимсан ўзинг?...

МЕЙМАНДИ - Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳозирча навқари, сўнг вазири...

ҲУСАЙН - Нималар деяпсан, дарвеш?!...

МЕЙМАНДИ - Султоним сени ўз саройида кутяпти. Бошингдан зар сочмоқчи... (Оёғ тагига беш олти тилла танга ташлайди)...

ҲУСАЙН - Дарвеш, оввора бўлма...

МЕЙМАНДИ - Сен каби улуг донишманднинг макони мазор эмас, Ғазна Султоннинг - боргоҳидир!

ҲУСАЙН - Юз йил адолатсиз боргоҳда яшагандан кўра, бир соат эркин мазорда тирик яшаш маъқулдир!..

МЕЙМАНДИ - Ибн-Сино! Сафсатавнинг қўй! Султонимиз Маҳмуд Ғазнавий олиму-шoirлар посбони. Модомики у ўз саройига ташрифингни лойиқ топибди, бундан маърурлан...

ҲУСАЙН - Йўқ... Мен султон Маҳмуд хизматига бормайман...

МЕЙМАНДИ - Сабаб?...

- ХУСАЙН - Гапларинг фитнадир?!
- МЕЙМАНДИ - Нечун?
- ХУСАЙН - Шохнома достонининг муаллифи Абул-Косим Фирдавсийга султоннинг марҳамати бунга далилдир...
- МЕЙМАНДИ - (Ибн-Сино қулоғига яқинроқ келиб). Яхшиликча рози бўлмасанг, султонимиз Бухорони эртагаёқ босиб олганидан сўнг унга итсат қилишга мажбур бўлгайсен. Менга қара, менинг кетмоғим даркор. Ҳозирча Наср одамларидан қочиб юрганам яхшидир... Сенга ҳам маслаҳатим шул... Улар сен нохудони ахтармоқда... қўлларига тушсанг, кошонаю боргоҳ эмас - жойинг зиндон бўлур. Гапларимга қулоқ сол... Эртага шу чоғ сени шу ерда кутгумдир... (Чўнтагидан бир жалтача пулни чиқариб). Ман бу ойнингга ва ўкангга... Агар улар сен билан бирга саройга боришни истамаса... ҳаражатлари учун... (Жалтачани унинг оёқлари тагига ташлаб) Эртагача Хайр... Ҳа, мени - Мейманди дейдилар... У ёқ-буёққа қоч чишга урина кўрма. Оёмснда бўлсанг сёғингдан, ерда бўлсанг қулоғингдан тортгайман, Зеро, Султоним топшириғи шудир. (Чиқиб кетади).
- ХУСАЙН - (Отасининг қабрига чўкка тушади). Бисмиллоҳи раҳмони раҳим! (қуръондан дилида сура ўқийди) Қиблагоҳим! (Қампир аёллар кийимида Мунтасир киради ва Хусайн тепасида индамай туради. Хусайн уни кўрмайди). Меҳрибон падар! Ахир сиз сизни биздан ажратган дарди бедаво - "Саратон" билан курашмоқни мақсад қилиб иш бошлагандим-ку. Наҳотки вазият Бухорони тарк этишимни талаб этар... Аммо қасамёд этаманки, қаерда бўлмайин Саратондан ўч оламан, бузрукворим!
- МУНТАСИР - Улуғ ҳаким Ибн-Сино ҳам Бухорони тарк этгаймилар?!
- ХУСАЙН - (Ўрнидан туриб) - Абу Иброҳим... Исмоил ибн Нух?!... Ассалому алайкум...
- МУНТАСИР - Тсс... Бухорони тарк этгаймен донг?!

ХУСАЙН - Наср асирлигидан қочган амир Нух ибн Мансур ўглининг бунга ижозатлари нодаркордир...

МУНТАСИР - Мени Исмосил эмас, Мунтасир деб номлайдилар...

ХУСАЙН - Мунтасир?!.. Голибкор?! Енгилмас?! Ҳа-ҳа!... Уч йилдан бери Бўғрохон ўгли турк Наср билан курашиб ғалабага эришолмаган Исмосилнинг Мунтасир дейилиши бағоят таажжубли-ку...

МУНТАСИР - Ҳечқиси йўқ... Барибир Насрни енгаман, тожу-тахт ила хазинани тортиб оламан...

ХУСАЙН - Унгача, қорахонийлар дастидан жамии илмли кишилар, - шоирлар, ғойиб бўлишди, халқнинг яратган маънавий ва моддий бойликлари емирилди. (Ёниб битган бинолар манзарасини кўрсатиб). Илм-марифат ҳазинаси, Бухоро кутубхонаси ёниб кули кўкка совурилди.

МУНТАСИР - Кутубхона сен ва сен каби ноҳудолар айбила ёнди.

ХУСАЙН - Аммо сиз каби художўйлар ҳозирча тожу-тахт, ила молу-мулк талашни билан оворасизлар! (сарбоз киради).

САРБОЗ - (Мунтасирга) Тақсир, олиб келишди!

МУНТАСИР - (Сарбозга) Олиб киришсин! (Гўрков, кўзи кўр собиқ амир мансур ибн Нух ва сарбоз кирадилар, сарбозга) Бу ёққа бошлаб етакла!

ИБН-СИНО - Ё ажабо?

МУНТАСИР - (ИБН-Синога) Тсс!...

МАНСУР - (Кўллари билан пайпаслаб яқинлашади). Мендан яна нима истайтайсан, укам Исмосил?! Барча бойликларимни тортиб олдинг-ку...

МУНТАСИР - (Сарбозга) Ташқаридан бизни кўриқланг! (Сарбоз чиқади). (Мансурга) Мозорда бекитганларингни берасан.

МАНСУР - Мозорда бекитганларимни қаердан билдинг?!.. Мен қаердаман?

МУНТАСИР - Тило-гавҳарларни бекитган мазордасен... Гапир... қаерда бекитилган...

МАНСУР - Шунчалар олганинг камлик қилдимми? Бунисини айтмайман... ўзим ва ўғилларимга ҳам керак-ку... ахир...

МУНТАСИР - Кўзларингдан айритганим камлик қилган бўлса, (Кўйлаги ости-дан қиличини чиқариб). Мана шу бобокалонимиз Исмоил Сомонийнинг қиличи билан энди тилингни кесаман. Ёнлаган аскарларимга олтин керак, тушунасан-ми... Олтин...

ХУСАЙН - Ўз мамлакатини ўз халқи ҳимоя қилмаса, мамлакат ўзгаларнинг ўлжаси бўлиши муқаррардир... Ўз ўлкасини халқ ҳимоя қилиши учун амирлар халқпарвар бўлишлари керак!

МУНТАСИР - Тилларига эрк беравермасалар яхшироқ бўлгайди. (Сарбозга) Улуғ ҳакимни ҳозирча четроққа олиб кўриқланг. Боз Наср одамлари кўлига тушакўрмасин. (Сарбоз Хусайнни ташқарига олиб чиқади). (Мансурга) Қани тезроқ бўл... (Мансурга азоб беради) Мансур қичқиради).

МАНСУР - Азобланганим етар, азобингни тўхтат, укам Исмоил, Саройимиз закотчиси ҳаким Ибн-Синонинг отаси Абдуллоҳнинг қабрига бошла мени. Сандиқча ўшал томонда.

МУНТАСИР - Гўрков! Мансурни етакла!

ГЎРКОВ - (Мансурга). Йўқлаган қабрингиз мана шу.

МАНСУР - (Кўллари билан қабрни пайпаслайди). Ҳа-ҳа... Худди шу қабр...

МУНТАСИР - Мансур, тезроқ бўл... қани... олтинлар?!

МАНСУР - (Қабр атрофини панжалари билан ўлчайди, ўлчайди). Мана шу ерни озгина кавласин...

МУНТАСИР - Ҳа, балли! Гўрков! Дарҳол кавла! (Гўрков қабр атрофидин кавлашга тушади. Мансурга) Закотчининг йиғиб берганларини ўз қа қабри ёнида бекитганинг ақлли иш! Хотирада яхши сақланади! Хўш... яна кимнинг қабри ёнида бекитганларинг бор?!..

Гапир!

МАНСУР - Худо урсин, бошқа йўқ... шу охиргиси...

МУНТАСИР - Ёлғон! Ўтган гал ҳам, каломулло урсин, бошқа йўқ девдинг... (гўрков бир сандиқчани ердан чиқариб Мунтасирга узатади).

МУНТАСИР - (Чапак чалади. Сарбоз киради, сарбозга). Ҳозирча, шуниси ҳам етар? Қолганларини собиқ амир Мансур ибн Нўх кейинроқ кўр-

сатиб берар... Шундайми?... Мансур?! (Сарбозга) Уни ўз жойига аҳтиётлик билан олиб бор! Наср одамлари қўлига туша кўрмасин! (Сарбозга бир халтача пул беради). Сарбоз! Садоқатинг учун! (Сарбоз Мансурни етаклаб чиқиб кетади).

МУНТАСИР - Гўрков!

ГЎРКОВ - Лаббай, тақсир!

МУНТАСИР - Бу гўрни кимга қазигансан?!

ГЎРКОВ - Наср одамлари томонидан нохудоликда айблаб ўлдирилган кимёгар учун. Улар кимёгарни ўз устахонасида ўлдириб кетишибди, экан! Номози бомдодда олиб келинади.

МУНТАСИР - (гўрковга орқасидан келиб уни пичоқлайди ва гўрга итариб йиқитади). Бир гувоҳ камроқ бўлгани маъқулдир! (Иккита чапак чалади, иккинчи сарбоз киради).

САРБОЗ - Эшитаман!

МУНТАСИР - Ибн-Синони олиб кир! (Ибн-Сино киради).

ХУСАЙН - Исмоил?! Нималар қиляпсиз?!...

МУНТАСИР - Суҳбатимизни давом этдирсак... демак, сиз Бухородан кетгайсиз. Чунки сиз эрқўқирли кишисиз. Шундай-ми?!

ХУСАЙН - Чунки, ҳақ сўзни айтсанг бўйнингга қилич осиглиқдир!

МУНТАСИР - Сенинг ҳақимликка-ю, ёзишга ақлинг расо, халос. Ёшнингда даёқ алайди салом бузрукворим - амир Нўх-ибн-Мансурни қаттиқ беморлигидан халос эта олдинг, ёниб кетган кутубхонаи китобларининг мазмунини йигирма жилдга сиғдириб ёза олдинг... бунга ҳамма қўйил! Аммо Бухоро бошига тушган ҳозирги аҳволга, сан Абу-Али Ибн-Сино ҳам гуноҳкоркусен! Сен, - мурдаларни гўридан чиқариб илм учун деб парчаладинг ўз шогирдларингга кишиларнинг тақдири ўз қўлида деб сабоқ бердинг, шу туфайли Бухоро ҳалокатга учради-ку!...

ХУСАЙН - Ёлғон! Бухоро очкўз, мансабпараст, худбин, амирлар туфайли барбод бўлмоқда! Ва энди ўзини Мунтасир деб билган Исмоил ибн Нўх ҳам Сомонийлар сулоласини тиклаб, давом этдиришга қодир эмас!...

МУНТАСИР - Қиблагохимни ўлимдан қутқазган хизматинг бўлмаганда эди жойинг шу гўрда бўлурди. Сен тилингда беҳад эрк бера-верма. Эрк тилнинг боши - дорда! (Чиқиб кетади).

ХУСАЙН - (Пауза) Мени нохудо деб, севганим Зухранисс васлидан бенасиб этмакчи бўлсалар, куйиб кули кўкка совурилган кутубхонанинг ёнишига мени айбдор десалар, бу қандай ҳол?... (Ситорабону кетидан ўгли Маҳмуд кирадилар).

МАҲМУД - Ака, амир Насрнинг одамлари сизни ахтармоқда. Сизни ўўлик ўғриси деб айблашяпти. Уйни роса тинтув қилдилар. Китобларингизни кўп қисмини олиб кетдилар ва ўзингизни дарҳол Наср саройига боришингизни талаб қилдилар.

СИТОРАБОНУ - (Дарвешларча кийимни унга узата туриб). Ўғлим, жигар-порам! (Йиғлайди). Сени шу ерда деганлари учун келдим. Энди сен Бухорони тарк эт. Мана бу дарвешлик кийимларини кийиб яширинча қоч. Устозинг Масихи азонда Хоразмга кетар экан. У олижаноб инсон. Уйимизга қатнаб, сенга сабоқ берганчоғларидан мен бунга иқроор бўлганман. Бирга бўлинглар... У ҳозир карвон саройда! Хусайнжон! (Эрининг қабрига ишора қилиб). Падари Бузрукворинг васиятига кўра биз ҳаммамиз эндиги Бухоройи вайронадан воз кечиб, Хоразмга боришимиз керак эди. Аммо, унинг ҳурмати зиёратгоҳини ташлаб кетишимга рухсат бермаса, найлайин... Ҳа, севганинг Зухранисс висolidан ажраламан деб ўксинма! Бошқа шаҳарга бораялсан, уни кўнглингдан чиқар. Хоразмдан биронтасига уйланиб ол, мен розиман... Отанг арвоҳи ёр бўлсин... толе сенга ҳамisha ҳамроҳ бўлсин. Кўнглингдаги ниятларинг муҳаё бўлсин. Ой бориб, омон қайт. Асло завол кўрма, ўғлим, омин оллоху акбар! (Пауза).

ХУСАЙН - (Отасининг қабридан бир ҳсвуч тупроқни олади, рўмолчасига ўрайди). Бухоро ва бузрукворим муқаддас ҳоки! ■ Сени то қайтиб келгунимча кўксимда сақлайман! (кўксидаги

чўнтагига солади). (Гўрдан гўрковнинг инграган овози эшитилади)

МАХМУД - Бу не ҳол? Гўрдан товуш!

ХУСАЙН - Ё ажабо! (гўрга сакраб, инграётган гўрковни опичлаб чиқаради). Гўрков Юсуфий!.. Нечун ярадорсан?!..

ГЎРКОВ - Мунтасир ногоҳ пичоқ қадади ва мен эс-хушимдан айрилдим, ўзимга келсам, қонга беланибмен.

СИТОРАБОНУ - Ўғлим, ўзи ким - бу?

ХУСАЙН - Шу мозорнинг гўркови.

ГЎРКОВ - Муҳтарама Ситорабону! Ассалому алайкум!

МАХМУД - Бунинг ўлими кимга даркор бўлмиш?!

ХУСАЙН - Сирдан хабардор бўлган шохидни гумдон қилмоқ, жоҳиллар хунаридир! (Хусайн ва Маҳмуд гўрков ярасини ювадилар, бирикки ўсимлик олиб ёпиштирадилар. Гўрков биров ўзига ўзига келади).

ХУСАЙН - Хайрият пичоқ баданидан ўтмай, қўлини майиб қилибди экан, халос, Маҳмуджон! Юсуфийни уйига олиб бор. Бунга кўмаклаш. (Ердан Меймандини ташлаб кетган халтачани олиб унга узатади) Мана бу олтинни эҳтиёжларингга ишлат Юсуфий!

МАХМУД - Акажон, тезроқ бўлинг, амирнинг одамлари мозорга ҳам келишлари мумкин...

СИТОРАБОНУ - Йиқилганни тепмоқ эмас мард иши,

Йиқилганни қўллайди мард киши - дебди шоир Рудакий

ГЎРКОВ - Ҳазрат Ибн-Сино! Карзим ўлаўлгунча бўйнимда бўлади. (Пауза) Йўқ... Йўқ... Мен ўзим уйимга бораман... Чайлам шу мозорда. Сиз тезроқ карвон сарсйга бораверинг. (Халтачани олиб чиқиб кетмоқчи бўлади).

ХУСАЙН - Шопманг Юсуфий! Укам сиз билан бирга боради. (Онасига) Хайр, волидайзорим, хайр Маҳмуджон укам. Маҳмуд, волидам билан Зухранисони сенга топшириб кетяпман. Юсуфийни чайлага олиб бориб уни 5-6 кун парварिश қил... Ҳа, Маҳмуджон

сандиқчамда ёзувларим қатори бир кўк дафтарча мавжуддир. Унинг устида "Саратон" деб ёзилган. Шу дафтарчани тонг ёриш-гач, карвон саройга келтир... Мана сандиқча калити.

МАҲМУД - (Хусайн лабига мўйлову, юзига соқол ёпиштиради ва Хусайнга дарвешларча йиким кийдиради). Шундай бўлгани маъқулроқдир. Иншоолло мурод мақсадингизга етинг! Дафтарни карвонсаройга келтирурмен.

ХУСАЙН - Сизлар дарҳол Юсуфийни найласига етказиб даволанг, сўнг мен хотиржам кетамен...

СИТОРАБОНУ - Маҳмуд ўғлим! Бу кун сана неча?

ЮСУФИЙ - Ситорабону! Сана мелодича бир минг иккинчи ҳижрийча, эса, уч юзу саксонинчи йил!...

СИТОРАБОНУ - Демак, ўғлим Хусайн йигирма икки ёшга тўлибди экан.

МАҲМУД - Худди шундай!

СИТОРАБОНУ - Падарибузрукворинг арвоҳи сенларга ёр бўлсин! Илоҳо худоё-худованди карим! Золимлар умри қисқарсин, юртимизда осойишталик барқарор топсин. (Маҳмуд Юсуфийни қўлтиқлаб ва онаси билан бирга чиқиб кетади).

ХУСАЙН - (Улар чиқиб кетишини кузатади. Мунгли куй эшитилади). Хайр. Хайр... Саҳнингда гул-гулзор ўрнига мазор кўпаяётган азим Бухоро... (аста-секин парда ёпилади. Хусайн кетади).